



“Сув таъминоти ва оқава сув объектларини қурилиши бўйича ИК” УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

### Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 10 июндаги 265-сонли хатингизга, Ўзбекистон Республикаси Президентинининг 2022 йил 6 июньдаги “Худудларда маҳсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва уларни муҳандислик-коммуникатция инфратузилмаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-271 сонли қарори асосан, Кўштепа тумани Хумдон МФЙ худудидаги “Истиқлол” кичик саноат зonasини ичимлик ва оқава сув билан таъминлаш мақсадида қўйдаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

### Ичимлик сув бўйича

Кўштепа тумани Хумдон МФЙ худудидаги “Истиқлол” кичик саноат зonasини  $32.0 \text{ м}^3/\text{сутка}$  ичимлик сув билан таъминлаш учун уланиш нуқтаси: “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ Кўштепа туман бўлимига қарашли ичимлик сув манбалари мавжуд бўлмаганлиги сабабли, **Бахт кўчаси** худудида 1 дона ичимлик сув қудуғи қазиш, 1 дона замонавий электр тежамкор сув насоси ўрнатиш, 1 дона сув минораси ўрнатиш, UZSUVTAMINOT логотипини бўяш, лойиха асосида ТП ўрнатиш ва икки томонлама электр энергия тармоғи тортиш, замонавий сув ва электр хисоблагичлар ўрнатиш, автоматик ўчириб ёқиши ускунаси (поплавок) ўрнатиш, лойиха асосида ичимлик сувини заرارсизлантириш биноси қуриш ва лойихага мос ускунаси ўрнатиш хамда жами узунлиги 0,5 км ичимлик сув қувури лойиха асосида қувур диаметри ва ер сатхи чуқурлиги аникланиб замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиниши хамда ичимлик сув иншооти худуди ШНК, ҚМК хамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда ўралиши ва видеокузатув ва ёритиш тизимлари қуриш шарт.

### Оқава сув бўйича

Кўштепа тумани Хумдон МФЙ худудидаги “Истиқлол” кичик саноат зonasини оқава сув тизимиға улаш учун уланиш нуқтаси: **Бахт кўчасида** мавжуд оқава сувларн хайдаш насос станцияси (КНС) биносига улаш ва КНС биносини қайта тамирлаш, II-босқич оқава сув кўтариш насоси ўрнатиш, худуд химоя зonasини ўраш, лойиха асосида мавжуд Д-2000 ммли оқава сув тармоғига 1 дона қудук (колодец) ўрнатиб, 1,0 км оқава сув тармоғи тортиш ишлари ШНК, ҚМК талабларига хамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда бажарилиши шарт.

Ичимлик ва оқава сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа мухандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан холоса олиш кўзда тутилсин.

Ушбу техник шартда берилган барча ишларни амалга оширишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган холда амалга оширилиши ва давлат экспертиза холосалари олингандан сўнг, қурилиш монтаж ишлари амалга оширилсин. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув лойиха смета хужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишиш ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс холда ушбу лойиха смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган хисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

~~Барча қурилиши материаллари сифат сертификатига эга бўлини шарт.~~

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида хақиқий деб хисобланади.

**“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ**

**Бош мухандиси:**



**И.Абдулаев**

**“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ  
ИЧБ бошлиғи:**

**С.Абдулаев**